

## **ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИДАГИ МУСТАҲКАМ ИНТИЗОМ-БАРАКАЛИ ҲОСИИЛ ГАРОВИ!**

Туманимизда ғалла ўрим-йиғимидағи бағишиланған вилоят семинари бўлиб ўтди. Семинарда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят сектор раҳбарлари, туман ҳокимлари, вилоятдаги ғаллачилик кластерлари, ўрим-йиғим отряди раҳбарлари, қишлоқ хўжалигига мутасадди бошқарма бошлиқлари, ОАВ вакиллари қатнашдилар.

„Хонобод ғалабаси“ фермер хўжалигида ўрим бошланишига, хирмонларга барака тиланиб, дуолар қилинди.

Тадбир иштирокчилари ўрим жараёни, сомонни йиғиштириб олиш, ер ҳайдаш жараёнлари билан танишдилар.

Хонобод дон қабул қилиш шаҳобчасида комбайн, юк машиналари, дам олиш „вагонеткалари“ шайлиги кўздан кечирилди ва кун тартибидаги масала бўйича йиғилиш бўлди.

Вилоят раҳбари Ёзёвон туманида ўтказилган бугунги семинарни яхши баҳолаб, мавсум олдидан бундай эҳсонлар ҳосилга барака киритишини айтиб, иштирокчиларга ўрнак қилиб кўрсатди. Бу ишонч, албатта оқланади.

2023-06-02 13:39:33